

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг сугорилиш тарихига доир муроҳазалар	81
У.Усаров	
ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдураҳмонова	
Оғаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Деҳқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник моделли гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида қасбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муидинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдор навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлиар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

ИЛМИЙ АХБОРОТ

УДК:10+006.2+10041,100.52

ЁШЛАР КАМОЛОТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАГРИЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ
ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

ВАЖНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СОВЕРШЕНОСТИ У МОЛОДЕЖИ ПРИНЦИПОВ
ГУМАНИЗМА И ТОЛЕРАНТНОСТИ

IMPORTANT FEATURES ON IMPROVING THE PRINCIPLES OF HUMANITY AND
TOLERANCE OF YOUTH

Ф.Юлдашев, Д.Обидова

Аннотация

Мақолада жамиятимизнинг етакчи кучи ҳисобланган ёшларнинг ахлоқи, маданияти, инсонпарварлик фазилатларини ривожлантириш, уларнинг камолотида, мустақил ҳаётларида инсонпарварлик, бағриенглик ва толерантлик ғояларининг ўрни ва роли ҳақида фикрлар билдирилган.

Аннотация

В статье представлены рассуждения о нравственности, культуре молодежи – ведущей силы общества, о развитии в ней гуманных качеств, о месте и роли идеалов гуманизма и толерантности в самостоятельной жизни подрастающего поколения.

Annotation

This article discusses the role and place of the ideals of humanism, tolerance and tolerance in the development of ethics, culture, humanistic qualities of young people who are the leading forces of our society.

Таянч сўз ва иборалар: барқарорлик, мустақил фикр, шахс, жамият, инсонпарварлик, дунёқараши, бағриенглик, тараққиёт, маънавий-ахлоқий етуклик, миллатлараро тотувлик, муроса, фидойилик, меҳнатсеварлик.

Ключевые слова и выражения: устойчивость, самостоятельное мышление, личность, общество, гуманизм, мировоззрение, толерантность развитие, духовно-нравственная зрелость, межнациональное согласие, компромисс, самоотверженность, трудолюбие.

Keywords and expressions: stability, independent thinking, personality, society, humanism, worldview, tolerance, progress, spiritual and moral maturity, interethnic harmony, compromise, dedication, diligence.

Давлатимизда йигирма саккиз йил ичида барча соҳаларда олиб борилаётган испоҳотлар ҳалқимиз тинчлигини, осойишталигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий ҳаётини яхшилашга қаратилиб, миллий қадриятларга хурмат, она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйгуларини янада мустаҳкамлаш, жамиятда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мустақил фаолиятида бағриенглик муҳитини яратиш, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлигини асраб-авайлашга катта эътибор бераб келинмоқда. Бугунги кунда бутун дунёда миллатлар ва ҳалқларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, тотувлигини янада мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Жамиятда барқарорлик ҳукм сурса, миллатлар бағриенглиги шаклланади. Бағриенглик тамойили давлатимиз мафкурасининг асосий ғояларидан бири сифатида мамлакатимизда яшаб келаётган, турли диний эътиқодга эга бўлган ёшларни олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида

бирлаштириб, уларни ўзаро ҳамкор, ҳамжихат бўлиб ҳаёт кечиришларида катта роль ўйнайди.

Юртимизда бағриенглик муҳитини мустаҳкамлашга эътибор ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъий назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасида нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл кўйилмайди”[1], деб таъкидлади. Инсондаги ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик хислатлари, комил инсонга хос бўлган бошқа хусусиятларнинг қарор топиши унинг шахс сифатида шаклланиши жараёни билан бир вақтда кечса, бу

Ф.Юлдашев – ФарДУ фалсафа кафедраси ўқитувчisi.
Д.Обидова – Термиз шаҳар 13-умумтаълим мактаби информатика фани ўқитувчisi.

сифатлар унинг учун доимий қадриятга айланади. Бунда ёшларнинг қалбига билим ёки тарбия билан, миллий ғоя тушунчасини ҳам сингдириш зарурияти сезилади. Давлатимизда юритилаётган тинчликпарвар сиёsat туфайли жамиятда барқарорлик ва миллатлараро тутувликни таъминлашга эришилмоқда. Республикамиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Республика байналминал маданият марказининг ташкил этилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизни ривожлантиришга, унинг бағрикенглик, маънавий ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган миллий маданий марказларнинг бир гурӯх фаолларини мукофотлаш тўғрисидаги фармони (2017 йил 24 январь) ҳам жамиятдаги турли миллатларнинг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлигини таъминлашга қаратилган. Таъкидлаш керакки, улуғ алломаларимиз ўзларининг диний бағрикенглик, муросасозлик, турли динларга эътиқод қилувчи шахсларни ўзаро ҳурмат-эҳтиром ғоялари билан бир неча асрлар давомида ҳалқимизни инсонпарварлик, тинчликсеварлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга даъват этиб келган. Шундай экан, буюк алломаларнинг маънавий меросидан озуқа олиш билан ёшларимизни тарбиялаш, уларга инсонпарварлик фалсафасини тушунтириш мухим аҳамиятга эга. Бугун дунёда бўлаётган миллатлар ўртасидаги низолар, қонли урушлар, турли вайронагарчиликлар жамиятда бағрикенглик мухитининг бузилиши оқибатида келиб чиқмоқда. Инсонларнинг бошига оғир кулфат ва мусибатларни, кўплаб ёшларнинг маънавий ҳаётини сақлаш, миллатчилик, диний айирмачилик, бошқа миллатларни менсимаслик каби салбий оқибатларнинг олдини олиш зарур. Асосий қонунимизда ҳам бундай холатлар кескин қораланиб, давлат ва дин муносабатлари масаласига тааллукли асосий бандлари ривожланган жамиятларнинг ҳуқуқий мөъёrlарига мос келади. Конституциянинг 18, 31, 61 – моддалари ҳамда “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги қонуннинг ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи, диний қарашларни мажбуран сингдиришни

тақиқловчи бандлари миллий, ирқий ва диний келиб чиқишидан қатъий назар, жамиятимиз ёшлари ўртасидаги тутувликни ҳаётга татбиқ этиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қиласи[2,12-13]. Кўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манбаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тутувликни таъминлаш миллий давлатчилик тафаккурини шакллантиришнинг мухим омилларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда инсон ҳуқуқ ва манбаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида миллатлар ва диний конфессияларо ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва бағрикенглик тамойиллари янада мустаҳкамланмоқда. Ҳалқимизга хос бўлган бағрикенглик биз учун анъанавий аҳамиятга эга бўлган миллий хислатларимиздан бири бўлиб, Ватанимизда турли миллатларга хос бўлган қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга мустаҳкам замин яратилган.

Жамият ва давлат тараққиётида миллатлар манбаатларини мутаносиблигининг таъминлашга эътибор бериш, миллатлараро муносабатлар замирида шаклланётган барқарорлик ва бағрикенглик тушунчаларининг ижтимоий мақомига эътибор қаратиш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади. Барқарорлик ўзига хос комплекс системали жиҳатларни ўзида мужассамлаштирувчи тушунча бўлиб, унинг бағрикенглик тушунчаси билан бевосита, тўғридан-тўғри алоқаси мавжуддир. Чунки, миллатлараро бағрикенглик турли миллатлар орасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариб, шу асосда уларнинг ўзаро алоқалари ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун кенг йўл очади. Айни пайтда бу тушунча миллий ва умуминсоний қадриятлар орасидаги диалектик муносабатни чукурлаштириб, ҳалқни ҳалқ ва миллатни миллат этишга хизмат қилиши объектив жараёндир.

Мухим сиёсий ҳужжат ҳисобланган Ҳаракатлар стратегияси - олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан

ИЛМИЙ АХБОРОТ

ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат бўлиб, бешинчи йўналиш “хавфсизлик миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш”, деб номланади. Унда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёsatнинг устувор йўналишлари назарда тутилган [3,36-37]. Миллатлараро муносабатларда уларнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам борлигини эътиборга олиш муҳимдир. Кўп миллатли давлатларда миллатлар манфаатларининг бирлигини таъминлаш учун жамиятда барчага маъқул келадиган умумий қадрият ва мезонларни шакллантириш лозим. Миллатларнинг ўзига хос анъаналарини, урф-одатларини, қадриятларини ва манфаатларини бирдек ҳимоя қиласидиган ва уларнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиб берадиган демократик хукуқий мезонларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Миллатлар манфаатларининг бирлиги миллий давлатчилик тафаккурини

шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб, ҳар бир муайян миллат вакили яшаётган Ватанинг ягоналигини, ягона давлат ҳимоясида турганлигини англаб етади, фуқаролар онгида шаклланган миллий давлатчилик тафаккури барқарор тараққиётни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб ёшлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш масаласи кун тартибида алоҳида ўрин эгаллади. Миллатлараро муносабатлардаги инсонийлик ва бағрикенглик тамойили умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, бутун дунё миқёсидаги барқарорликни таъминлашга ҳам катта хисса кўшади. Миллатлар манфаатининг бирлиги эртанги кунга ишонч, истиқлол ва миллат истиқболига даҳлдор масала бўлиб, жамиятимиз ёшлари ўртасида тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, миллатлараро ҳамжиҳатлик ғояларини тарғиб этиш, жамиятда ижтимоий-маънавий юксалишнинг равнақ этиши учун кўмак бўлади.

Адабиётлар:

1. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришиш тантанали маросимдаги нутқи. //“Халқ сўзи”газ., 2016 йил 15-декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги фармони. –Т.: “Адолат”, 2017.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)